O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 6 июль, № 129 (4028) Пайшанба

Спортимизнинг Бўлажак юлдузлари

Сиз суратда кўриб турган ушбу қизалоқлар орасидан эртага юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқса не ажаб.

Бундай дейишимизга асос бор. Бугун сув спорти бўйича дунёни забт этаётган андижонлик ўн бир ёшли Мафтунабону Тўхтасинова, шахматда юксак натижаларга эришаётган Юлдуз Ҳамроқуловалар ана шу дугоналари қатори спорт оламига кириб келишган.

Албатта, спортда юксак натижага эришиш учун биринчи навбатда имконият ва шароит яратилиши керак. Мафтунабону ва Юлдузларнинг спортда эришаётган муваффақиятлари замирида Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор ётибди. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам бир-биридан чиройли замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди. Ана шу мажмуаларда тарбияланаётган ёшлар орасидан юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган юзлаб ёшлар етишиб чиқмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида 164 та болалар спорт мажмуаси қуриш режалаштирилган. Шуларнинг 129 таси янгитдан бунёд этилса, 35 таси қайта реконструкция қилинади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

Халқимизда олмос каби товланувчи дурдона таъбирлар бор. Шулардан бири муайян нарса ҳақида «Мен буни пешона терим билан топганман» деган сўз. Бу каломдан шундай маъно уқиш мумкин: мен бу нарсага ҳалол, беғараз, беминнат меҳнатим эвазига етишганман.

ПЕШОНА ТЕРИДАН ЯРАЛГАН НЕЪМАТ

Бугунги кунда эл-юрт омборларига тўпланган баракали ғалла хирмони ҳақида ҳам шубҳасиз худди шундай таърифни қўллаш мумкин. Бу ҳосил азамат ва заҳматкаш бободеҳқонларимизнинг пешона тери эвазига яратилди. Тўғри, 2006 йилнинг баҳори аввалги йиллардагига нисбатан намга тақчил келди, ёғингарчилик кам бўлди. Аксарият лалми ерларда ҳосил сийрак бўлди, буғдой пояси комбайнга илашмади. Лекин суғориладиган майдонларда ғалла ўстирган деҳқонлар лалми майдонлар ҳиссасини чиқаришга интилишди. Сувдан самарали фойдаланилди, ғаллакор пушталарга манглай терини тўкиб астойдил меҳнат қилди.

Кўпни кўрган деҳқончилик академикларининг эътироф этишича, кейинги уч йилда дала ишларини расамади билан йўлга қўйиш, ҳар бир юмушни қадам-бақадам мониторинг қилиш борасида катта тажриба тўпланди. Пойтахтдаги агросаноат ташкилотларининг мутахассислари дала ишларида ғайрат кўрсатаётган деҳқонга амалий ёрдам бериш, уларга тўла юз тутиш ишининг ҳадисини олдилар. Бундай сафарбарликнинг илк самараси йил мобайнида, аввало, ғалла хирмонларида намоён бўлмоқда.



Бир ҳолатга эътибор қилинг. **Эндиликда фермер ёки туман фаолиятига баҳо берилар экан, режани бажариш эмас, балки олинган даромад, халқ дастурхонига тушган ҳосили ҳисобга олиняпти.** Эл-юрт хирмонига топширилган ҳосил 2 миллион 400 минг тоннадан ошган бўлса, бу дастлабки марра забт этилганини англатади. Лекин олдинда 6 миллион тонналик марра турибди. **Эндиликда ўриб-йиғиб олинаётган ҳосил тўғридан-тўғри хонадонларга, фермерлар омборларига бориб тушади.** Йил бўйи тер тўккан деҳқон зўр шоду хуррамлик билан уйини буғдойга тўлдиряпти. Бу манзара эл-улус кўз ўнгида рўй беряпти. Эҳтимол, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришларни бирор рақам ёки маълумотларда ифодалаб бўлмас, лекин ғалла мустақиллигининг меваларини ўз ҳаётида кўраётган халқимиз Ўзбекистон манфаати учун ишлаш қанчалик зарурлигини чин дилдан ҳис қилмоқда.

2006 йилда яратилаётган дон хирмонида фермерларнинг улуши бениҳоя салмоқли бўлмоқда. **Айнан фермерлик ҳаракатининг тўғри йўлга қўйилганлиги учун ҳар қарич ернинг эгаси маълум, унга жавоб берадиган шахс аниқ бўлди.** Шундай кунлар бўлдики, қишлоқда ҳамма ишлар ғалла ўрим-йиғимига йўналтирилди. Деҳқонларга зарур юк ортган машиналар, ўрим-йиғим техникасига ёнилғи етказувчи механизмларга яшил чироқлар ёниб турди.

Юртимиз далаларида ҳосил етиштираётган замондошларимиз ҳамиша керакли юмушларни бажаришаётгани тайин. Лекин айнан эл-юрт ризқ-рўзини етиштириш, ўз нонимизни яратишдан ҳам эзгу, савобли иш бормикан бу дунёда?! Хирмонга қўйилаётган ҳар ҳовуч буғдой азалдан бунёдкорликни касб қилиб олган ўзбек деҳқони меҳнатининг рамзи эмасми?! Ўз тупроғимиз бағрида ундирилган бу жаннати экин халқимизнинг нони бутунлиги нишонаси-ку! Қалбимизга чексиз ифтихор бахш этган, тилимизни узун, руҳимизни дадил қилган мустақилликнинг зоҳирий кўриниши баайни ғалламизда ифодаланмайдими?!

Мамлакат ғаллакорларининг ютуқлари ҳақида эшитганда беихтиёр жазирама офтоб остида терга ботган деҳқон сиймосини кўз олдимга келтирдим. Қаранг, кенг далада қуёш олов пуркаётган шароитда деҳқон юзида табассум. Қизиқ, оддий чигиртка ҳам ўзини сояга тортаётган бир дамда деҳқон кўзига бу жазирама чўт бўлмай қолибди. Нега? У яхши биладики, фидойи меҳнати туфайли минг-минглаб хонадонларда фароғат ва фаровонлик таъминланади. **Зотан, меъдаси тўқ одам маънавий камолот ҳақида ўйлайди, дунёқараши кенгаяди.** Эл-юрт олдида берган сўзи оқланаётганлиги учун унинг чеҳрасида мамнунлик ифода топмоқда. Эҳ-ҳе, ўрим-йиғим палласидаги ҳароратнинг кўтарилиши бободеҳқон учун қийинчилик бўлибдими?! Ҳар дона доннинг кўкариб чиқишини кутиш, ям-яшил майсага меҳрини бағишлаш олдида хирмон тўплашдаги кайфият ҳузур-ҳаловат аслида. У шунинг учун мамнунки, йил бўйи чеккан заҳмати зое кетмади, эл дастурхонига ризқу насиба бўлиб қўйилди. Ҳали далаларда ҳосил мўл, пешқадам деҳқонлар донни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиб, келгуси мавсум тараддудига киришмоқдалар.

Нон халқимиз учун шу қадар қадрли, бебаҳо неъматки, агар дастурхонда қушнинг сутидан тортиб жамики ноёб ноз-неъматлар бўлсаю, бир бурда нон турмаса, ҳеч ким унга қайрилиб қарамайди. Икки ёш бир оилага қовушиши ҳам аввало нон ушатилиши билан нишонланади. Йигитлик бурчига отланган аскар ҳам бир чети тишланган нонни уйида қолдиради ва бутун хизмат мобайнида ўша нон руҳи билан, Ватан соғинчи билан нафас олади. Олис йўлга отланган сайёҳ ҳам белига нонни тугадики, шу неъмат ҳамроҳим бўлсин деб. Тириклик рамзи, бунёдкорлик кўзгуси, эзгулик ва бағрикенглик ифодаси шу нон.

Дон хирмони нафақат нон мўл-кўллигини таъминлайди, айни пайтда чорвачиликни ривожлантиришимизга янги имкониятлар туғдиради. Минг-минглаб гектар майдонлардан олинган somon, омухта ем тармоқда озуқа базасини мустаҳкамлайди, кўнглимизни тўқ қилади. Демак, гўшт, сут, қаймоқ, қатиқ мўл бўлади, фарзандларимиз соғлом ўсишига шарт-шароит яратилади.

Ўзбекистон ўз Президенти бошчилигида мустақилликка эришиш йўлида кўп ютуқлар соҳиби бўлди. Мустабидлик занжирлари парчаланди, ҳуррият офтоби чарақлади. Миллат эркинлигига эришилиб, тарихий қадамларимизга бутун дунё гувоҳ бўлди. **Таъбир жоиз бўлса, ана шу буюк хизматлар ичида Президентимизнинг ғалла мустақиллиги учун дадил, мардона жасорати, халқ кўнглига солган ишончи алоҳида таъкидга муносиб.** Шундай марраларга етиб келган халқнинг ризқи ҳамиша бутун, насибаси ҳалол бўлаверсин!

Ш.ЖАББОРОВ.

Наманганда микрокредитлаш тизимини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбиркорлар, банк ташкилотлари, адлия органлари, меҳнат ва бандлик бошқармалари, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вакилларининг учрашуви давомида яқинда ташкил этилган "Микрокредитбанк" имкониятлари, кредит олиш ва уни қайтариш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу жабҳада вилоятнинг уч минг беш юз нафардан ортиқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. "Ахсикент" ишлаб чиқариш корхонаси, "Раъногби" хусусий шифохонаси, "Нодираи даврон" хусусий фирмаси, "Фарҳод Каримов" фермер хўжалигида аёл-раҳбарлар томонидан юзлаб иш ўринлари ташкил этилди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

И. РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗНИНГ ЕВРОПА УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон парламенти делегацияси Австрияга ташриф буюрди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Машкура Сафоева раҳбарлигидаги делегация аъзолари австриялик ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказиб, қонунчилик ва депутатларнинг кундалик фаолиятини ташкиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

120 йилдан зиёд тарихга эга бўлган Австрия парламентчилиги тажрибаси кўплаб мамлакатлар депутатларида қизиқиш уйғотади. Федератив давлат сифатида Австрия мамлакат ҳаётининг минтақавий ва федерал микёсида муҳим ўрин тутувчи фаол парламент тизимини барпо этишга муваффақ бўлган.

Австрия Миллий мажлиси (парламент қуйи палатаси) ва Қуйи Австрия федерал ўлкаси парламенти раҳбарияти билан ўтказилган учрашувлар доирасида Олий Мажлис депутатлари фаолиятнинг қатор муҳим йўналишлари бўйича фикр алмашдилар. Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ва қонун ишлаб чиқиш тартиботи, парламент назоратини амалга ошириш, ахборот-таҳлил базасини яратиш ва ундан фойдаланиш, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон делегацияси Венага Москва орқали келди. Россия пойтахтида улар ушбу мамлакат Давлат думаси аъзолари билан учрашувлар ўтказди. Австриядан сўнг депутатларимиз Лиссабон ва Париж шаҳарларида бўлиб, португалиялик ва францияли ҳамкасблари билан учрашиши кўзда тутилган.

«Жаҳон» АА.

Боғинг бор — бахтинг бор

Бир бош узум. Бу — бир қадоқ неъмат дегани. Куритиб олсангиз, икки чангал майиз. Бу ҳам тўйимли, шифобахш неъмат.

Республика мевачилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти олимларининг хулосаларига кўра, бир гектар токзордан ўртача 200 центнердан, яъни 20 тоннадан ҳосил олиш мумкин. Энди шу маҳсулотни бозорга чиқариб, килосини камида 400 сўмдан сотсангиз, қарабсизки, 8 миллион сўм нақд.

Лекин 2005 йилда Сурхондарё вилояти хўжаликларида токзорларнинг ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 36 центнердан ошмади. Ҳосилга кирган 10341 гектар майдондан жами 37641 тонна узум етиштирилди. Узумчиликка ихтисослаштирилган Олтинсой туманидаги «Қорлиқ» хўжалигида бу кўрсаткич, воажаб, 20 центнерга ҳам етмаганига нима дейсиз? «Ширин» хўжалиги аҳли узумнинг ширин-шакар таъмидан баҳраманд бўлиш ўрнига бугун миллионлаб сўм иқтисодий зарарнинг юкидан зил бўлиб турибди...

Сабаби аён: токзорлар қаровсиз қолдирилган. Масалан, биргина Олтинсой туманининг ўзида кейинги йилларда 83 гектар токзор йўқотиб юборилди. Ўнлаб гектар токзорларнинг сийраклашишига йўл қўйилди.

Жонкуяр боғбонлар Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, дўппиларини осмонга отмоқдалар.

— Бугуннинг талабидан келиб чиқиб, бу йил узум етиштиришни икки баравар, мевани уч баравар кўпайтиришни режалаштиряпмиз, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бўлим бошлиғи Узоқ Чориев. — Боғ ва токзорларнинг «Кимошди» савдоси орқали сотилгани, яъни бебаҳо хазина ўз эгасини топгани, муҳими, мўл ҳосилга ҳозирдан замин яратишга киришилгани ана шу режанинг бажарилишига ишонч уйғотмоқда. Бунга бошқа далил ҳам бор. Чунки жойларда куз ойларида 2793 гектар янги боғ ва узумзорлар яратилиб, қаровсиз қолган боғларни тиклаш юмушлари ниҳоясига етказилди.

Узоқ Чориевнинг айтишича, вилоятда 18 та ихтисослашган корхона ҳам бўлиб, улар салкам 20 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Афсуски, бу корхоналарнинг 30 фоиз қувватидан фойдаланиляпти, холос. Ачинарлиси, кўплаб боғбону миришкорлар уларга топширган маҳсулотларининг пулини ҳалигача ололмасдан, сарсон бўлиб юришибди. Шундай бўлгач, миришкорлар пишиқчилик палласида меваю узум ва сабзавот маҳсулотларини олибсотарларга арзон-гаровга пуллашга мажбур бўлади-да.

— Шуни ҳисобга олиб, жойларда шартнома тизими ва кафолатларини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда, — дея сўзини давом эттиради Чориев. — Айни чоғда асл мева берадиган кўчатларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган даврда 300 минг тупдан зиёд мевали дарахт ниҳоллари қадалган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 2 миллион тупдан оширишни мўлжаллаб турибмиз. Қуритилган мева ва сабзавотларни экспортга чиқариш имкониятларини ҳам қидираяпмиз.

Ният яхши. Бироқ у ерда қолмаслиги учун амалий ишларга тезроқ ўтиш керак. Шунда бозор ҳам, эл дастурхони ҳам янада тўкин бўлади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

КОМПЬЮТЕР ТЎПЛАМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Россия Федерациясининг юртимиздаги элчихонаси томонидан мазкур вазирликка компьютер жиҳозлари тўпламларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан Халқ таълими вазири Т.Жўраев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг ёрқин намунасидир. Уларга асосан янги умумтаълим муассасалари барпо этилмоқда, ўқитувчилар меҳнати янада рағбатлантирилмоқда, мактаблар замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланаётир.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислоҳотларга хорижий сармояларни жалб этиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Жанубий Корея, Япония, Хитой каби давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Айни вақтда соҳада мамлакатимиз ва Россия ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани эътиборга моликдир. Ўқитувчи ва педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, мактаблар ва оромгоҳлар кутубхоналари захирасини ўқув, услубий ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш борасидаги хайрли ишлар бунинг амалий тасдиғидир.

Вазирликка топширилган компьютер тўпламлари Республика Таълим марказида ташкил этилажак Янги педагогик технологияларни синаш ва жорий этиш марказига ҳамда юртимиздаги умумтаълим мактабларига етказилиши кўзда тутилган.

Тадбирда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Мухаметшин иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ УСТУВОРДИР

Ўзбекистон мустақилликнинг тарихан қисқа даврида демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида жаҳоннинг ривожланган давлатлари эътироф этаётган улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Албатта, залворли марраларга осонликча эришилгани йўқ.

Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи танлаган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Президентимиз ислоҳотлар — ислоҳотлар учун эмас, энг аввало, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганини қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг мустақиллик меваларидан тўла баҳраманд бўлишларига қаратилгандир.

Ана шу муҳим ва стратегик мақсад сари мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган миллий қонунлар яратишга, бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланишига асосий эътибор қаратилди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнларининг муҳим, ҳал қилувчи босқичи бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мазкур фармон билан 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигида ўлим жазоси бутунлай бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши белгиланди.

Бу ўз навбатида ўзбек халқига хос инсонийлик, бағрикенглик фазилатларига содиқлигимизни яна бир карра намоён қилди.

Миллий ҳуқуқ тизимимизга бундай тадрижий янгилик киритилиши ўз-ўзидан ҳал этилгани йўқ, албатта. Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар одимларига назар ташласак бу чора кенг қамровли демократик ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари асосида ва бевосита ташаббуси билан 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди.

Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий енгилликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди.

Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Ушбу қонунни тайёрлаш ва қабул қилиниши жараёнида айрим олимлар томонидан жиноий жазонинг енгиллаштирилиши мамлакатда жиноятчиликнинг кескин ўсишига сабаб бўлади деган таниқидий фикрлар билдирилганди. Лекин бугунги кун амалиёти бунинг аксини кўрсатиб турибди.

Хусусан, мамлакатимизда жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари кескин камайди. 2005 йилга келиб оғир ва ўта оғир жиноятлар 2000 йилга нисбатан қарийб икки бараварга ёки 31276 тадан 17863 тага камайди.

2005 йилда Ўзбекистонда 100 минг аҳоли сонига нисбатан жиноятчилик МДҲ давлатлари ўртасида энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Россияда шунча аҳолига 2488 та, Белоруссияда 1969, Украинада 1044, Қозоғистонда 966, Грузияда 955, Молдовада 814, Қирғизистонда 647 та жиноят тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда бу рақам бор-йўғи 319 тани ташкил этди.

Эндиликда оғир жазолар тайинлаш сиёсатини ўзгартириш, унинг ўрнига жарима ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш амалиёти жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш ғоясининг асосий негизини ташкил этмоқда.

Шубҳасиз, жиноятнинг камайишида фуқароларимизнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлигининг салмоқли ҳиссаси бор.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашишнинг самараси жазонинг оғир ёки шафқатсизлигидан эмас, балки биринчи галда қонунни бузган фуқароларнинг унинг муқаррарлигини англаб етишига боғлиқ. Бу эса жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат дастури доирасида олиб борилаётган тадбирларни янада кучайтиришимизни тақозо қилади.

Очиқ тан олишимиз керакки, жиноий жазолар либераллаштирилгунига қадар жазо тайинлаш амалиёти қонун йўли билан жиддий таҳрирга муҳтож эди. Ўша вақтда амалда бўлган қонунларга асосан биринчи марта адашиб унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсга ҳам илгари бир неча маротаба судланиб, қайта жиноятга қўл урганлар қаторида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланарди.

Эндиликда бундай амалиётга бутунлай чек қўйилди. Кейинги беш йилда мамлакатимизда жазони ижро этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сони қарийб икки ярим бараварга қисқарди.

Ўзбекистонда 100 минг аҳолига 150 та маҳкумлар тўғри келган бир пайтда, бу кўрсаткич АҚШда 701 тани, Россияда 606, Белоруссияда 554, Қозоғистонда 522, Туркманистонда 489, Украинада 415, Қирғизистонда 390 тани ташкил этди. Бу рақамларнинг ўзиёқ ислоҳотлар самарасининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясида янги марралар сари изчил ҳаракатини давом эттирди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши бу йўналишдаги дадил ва бирдан-бир тўғри қадам бўлди.

Мамлакатимиз, айрим давлатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий эълон қилиш, яъни унинг ижросини номаълум муддатга тўхтатиб қўйиш билан маҳкум йиллар давомида ушбу жазо қачон ижро этилишини кутиб ўтириши йўлидан бормади, аксинча уни бутунлай бекор қилишни лозим топди.

Белгиланган чора Асосий қонунимизнинг 13-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган фундаментал ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилсак, дунёдаги 122 та давлатда ўлимга маҳкум қилиш масаласи жазо тизими ёки амалиётидан умуман чиқарилган.

Лекин ҳали дунёнинг 74 та давлатида ўлим жазоси сақланиб қолмоқда. Ўрта ҳисобда ҳар йили учта мамлакат жазолаш тизимидаги ўлим жазосидан воз кечмоқда, сўнгги ўн беш йилда бундай қонунлар қабул қилган мамлакатлар сони 40 тадан ортди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жазо тизимидан ўлим жазосини босқичма-босқич чиқаришга алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинишида шу пайтгача жиноят қонунчилиги бўйича ўлим жазоси кўзда тутилган 33 та жиноятларнинг сони 13 тага кескин камайтирилди. 1998 йилда эса Жиноят Кодексининг ўлим жазосини кўзда тутувчи моддалари яна 8 тага қисқартирилди.

Ҳозирда 2003 йилдаги ўзгартишлар натижасида ўлим жазоси фақатгина жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун қўлланилиши мумкин.

Айни вақтда жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, ўлим жазосини хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўллашни тақиқлайди.

Ва ниҳоят, Юртбошимиз Фармонига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси умуман жазо тизимидан чиқариб ташланадиган бўлди.

Албатта, бундай қарорга келишда халқаро меъёрий ҳужжатлар қоидалари ҳам эътиборга олинди. Чунки инсон ҳуқуқлари бўйича қатор умумжаҳон декларациялар ва конвенцияларда ўлим жазоси инсоннинг яшашга бўлган фундаментал ҳуқуқига зидлиги эътироф этилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган давлатимизда бугун Конституция ва қонунларнинг гуманитар хусусиятлари аниқ намоён бўлди.

Ўлим жазоси билан боғлиқ яна бир муҳим масала жиноий жазоларнинг мақсад ва вазифаларига бориб тақалади.

Маълумки, жиноят қонунчилигимизнинг инсонпарварлик тамойилига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди, улар жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун қўлланилади.

Шундай экан, инсон қанчалик ашаддий жиноятчи бўлмасин, уни қатл қилиш билан инсонпарварлик тамойилини қарор топтириш мумкинми, шахсни ахлоқан тузатишдек жазо мақсади қаерда қолади?! Айнан шу жиҳатдан ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳеч бир муболағасиз инсонийлик ва адолат тантанаси бўлди десак, хато қилмаган бўламиз.

Шу ўринда аввалги қонунчилик бўйича ўлим жазоси қўллаш кўзда тутилган айрим турдаги жиноятларни эслайлик. Мустабидлик даврида фуқаро давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда талон-торож қилса, валюта операциялари қоидаларини бузса ҳам ўлимга ҳукм қилинган. Иқтисодиёт соҳасида жиноят содир қилганларга нисбатан бундай аёвсиз ёндошувни умуман оқлаб бўлмайди.

Ҳозирда бу турдаги жиноятлар учун халқаро андозаларга мос тарзда молиявий жазолар қўллашга кенгроқ эътибор қаратилаётгани, моддий зарарни қоплаган шахсларга, ҳатто озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг қўлланилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қилинган ножўя хатти-ҳаракат ёки қонунбузилиши учун оғир жазо тайинлаш билан жиноятчиликнинг олдини олиш ёки унинг жиловини ушлаб туриш мумкин эмас.

Эътибор беринг, 2001 йилда санкциясидан ўлим жазоси чиқариб ташланган номусга тегиш жинояти кейинги йилларда қарийб 11 фоизга, жиноий уюшма ташкил этиш ҳоллари эса икки бараварга камайди. Демак, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашишда профилактика чоралари қудратли омилга айланмоғи лозим. Тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бу борадаги масъулияти янада оширилиши талаб этилади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, шахсни ўлимга маҳкум қилиш билан бирга, биз унинг яқинлари, оила аъзоларига ҳам чексиз азоб-уқубатлар келтиришимиз, уларнинг ҳаётини бутунлай қоралаб қўйишимиз аниқ. Буни адолатдан деб бўлмайди.

Шунинг билан биргаликда, қонунчиликдаги бундай янгилик шахснинг асоссиз айбланиб ўлимга ҳукм қилинишининг олдини олади, инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради. Тоталитар тузум даврида минглаб юртдошларимиз бундай адолатсиз ҳукм қурбони бўлганлиги тарихнинг аччиқ сабоғи бўлиши керак.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши бу жараённинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини яратишни тақозо қилади.

Ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Республика Президентининг шу йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди.

Мазкур фармойиш билан ишчи гуруҳи тузилиб, унинг муҳим вазифаси этиб, ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан кенг жамоатчилик ва хорижий мутахассислар билдирган кўпдан-кўп фикр ва мулоҳазаларни, илмий-амалий, таҳлилий маълумотларни умумлаштириб, ўлим жазосини бекор қилишни таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлашда, аввало, "умрбод қамоқ жазоси" ва "узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш" жазо турларининг тушунчаси ҳамда бундай жазо турлари тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби, шунингдек, жазоларни қўллаш тартиби аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш учун жаҳон андозаларига мос келадиган, инсон ҳуқуқларини таъминлаш меъёрларига жавоб берадиган муассасалар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, муассаса ходимларини тайёрлаш ишларини якунига етказиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳам зарур ташкилий тайёргарлик чоралари кўрилиши лозим.

Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органлари томонидан давлат раҳбари фармонининг мазмуни ва моҳиятини халққа етказиш мақсадида 1173 та тарғибот тадбирлари амалга оширилди, матбуот, радио ва телевидение орқали уч юзга яқин чиқишлар уюштирилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, етук олимлар ва тажрибали мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар иштирокида вилоятларга чиқиб йигирмадан ортиқ конференция, давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бугун жамоатчилигимизнинг кўпчилик қисми ўлим жазосидан бутунлай воз кечиш керак деган фикрни тўлиқ қўллаб-қувватламоқда.

Бу халқнинг демократия йўлидаги саъй-ҳаракатларга бўлган юксак ишончидир!

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жазонинг оғирлиги билан жиноятга мутлақо барҳам бериб бўлмайди. Энг муҳими, жазонинг муқаррарлигида, яъни қилмишида жиноят аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлигидадир. Шундагина адолат қарор топади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек "Адолат қонун устуворлигидадир".

Ана шу ҳаётий ҳақиқат суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг мазмунига айланмоғи керак.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

Муштарак манфаатлар

Шу кунларда Синьцзян-Уйғур мухтор райони Ташқи алоқалар ва иқтисодий ҳамкорлик департаменти бошлиғи ўринбосари жаноб Ли Дин-Юань бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси ишбилармонлари делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Делегация таркибида электро-техника, қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида фаолият юритувчи йирик компаниялар вакиллари бор.

Ҳамкорлик

Ушбу ташриф ўзбек ва хитой тадбиркорлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳасига Хитой сармоясини кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Халқ Республикаси мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Йил сайин ушбу давлат билан кўплаб соҳалардаги алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда. Фикримизни қуйидаги рақамлар ҳам яна бир карра тасдиқлайди: ўтган йили юртимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 485,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилдагига нисбатан 32 фоиз кўпдир.

Айни пайтда мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокида 83 та корхона фаолият юритмоқда. Шулардан 64 таси қўшма корхона бўлса, қолган 19 таси тўлиқ Хитой сармояси ҳисобига ташкил этилган. Бу корхоналар енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, воситачилик хизмати кўрсатиш ва бошқа соҳаларда барқарор фаолият олиб бормоқда.

Хорижлик меҳмонлар ташриф давомида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида бўлиб, йирик корхона ва компания раҳбарлари билан учрашадилар. Ҳамкорликка доир кўплаб масалаларда ўзаро келишувлар олиб боришади. Шунингдек, делегация аъзоларининг республика Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан мулоқоти ҳам кўзда тутилган.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фермерлар доимий ҳимояда

Бугунги кунда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолиятига ғов бўлаётган турли тўсиқларни бартараф этиш ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир.

Айни мана шу мақсаддан келиб чиқиб, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида «Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази» ташкил этилганди. Мазкур марказ ўз фаолиятининг дастлабки олти ойи мобайнида 15 мингдан ортиқ тадбиркорлар ва фермерларга консалтинг хизмати кўрсатди. Уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга ҳаракат қилинди. Марказ қошида Жамоатчилик Кенгаши ҳам фаолият кўрсатмоқда. Манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлари, илғор тадбиркорлар, фермерлар вакиллари, шунингдек, банк-молия, солиқ, божхона тизими, хўжалик судлари ҳамда аудиторликдан яхши хабардор бўлган экспертлар кенгаш таркибига киритилган.

Куни кеча партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва мазкур марказнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги қилинган ишлар муҳокама этилди ҳамда галдаги вазифалар белгилаб олинди. Тадбиркорда иштирок этган тадбиркорлар ва фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Бундан ташқари, йиғилишда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг ижросига ҳам эътибор қаратилди. Таъкидландики, партиянинг фаол аъзолари бўлган 1670 нафар тадбиркор ва фермерлар томонидан ўтган олти ой давомида 1,5 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилган.

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида кечган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси вакиллари, партия аъзолари, тадбиркорлар ҳамда оммавий-ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Япония ҳукумати ажратган маблағ ҳисобидан Бухоро шаҳридаги 40 та уйнинг ичимлик сув таъминоти тизими мукаммал таъмирланади.

— Лойиҳада уйларнинг ички қувурларини алмаштириш, сув ўлчагичлар ўрнатиш кўзда тутилган, — дейди вилоят уй-жой мулкдорлари ширкати уюшмаси раиси Камол Очилов. — Кам таъминланган оилалар, ногирон ва нафақахўрлар хонадонларидаги сув жиҳозлари текинга алмаштирилади. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари мукаммал таъмирлаш харажатларининг 10 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан қоплайди.

Лойиҳа икки йилга мўлжалланган.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 25 март сонида «Дард устига чипқон» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Фарғона вилояти хўжалик судида шошма-шошарлик билан чиқарилаётган қарорлар натижасида вужудга келаётган ноҳуш ҳолатлар қаламга олинган эди. Мазкур мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Х.АЗИЗОВ имзоси билан таҳририятга расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

Мақола чоп этилгач...

«Фарғона вилояти хўжалик судининг биринчи инстанцияси томонидан «PURE MIND», «Тибет Вест» хусусий фирмалари, «GREAT SILK ROAD» масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги ишларни кўришда мазкур субъектлар мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажримлар асоссиз чиқарилганлиги сабабли Фарғона вилояти хўжалик судининг апелляция инстанциясида бекор қилинган.

Бундан ташқари, вилоят хўжалик судининг биринчи инстанциясида кўрилган 29 та мазкур тоифадаги ишлар бўйича чиқарилган хусусий ажримлар ҳам кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинди. Ушбу ҳолат жойларга чиқиб, хўжалик судларининг барча судьялари ўртасида муҳокама этилди.

Ишларни кўриш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги учун Фарғона вилояти хўжалик судининг раиси И.Солиевга нисбатан интизомий иш қўзғатилди».

«Чашма»га иккинчи бош соврин

Москва шаҳрида XXVIII халқаро кинофестиваль ўз ишини якунлади. Ўзбекистонлик кинорежиссёр ва сценарист Ёлқин Тўйчиевга «Чашма» фильми учун фестивалнинг истеъдодли ёш кинематографистлар танлов дастурининг иккинчи бош мукофоти — «Перспектива»нинг тантанали равишда топширилиши ундаги энг ижобий натижа бўлди.

Чехиялик кинорежиссёр Петр Зеленка раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати ўзбек кинематографистининг ўзига хос қобилият ва порлоқ истиқболга эгалигини қайд этди. Ўзбек кинорежиссёрининг бу муваффақиятига фильмда иштирок этган Н. Каримбоева, Ф. Абдуллаев, Э. Мўминовлардан иборат ажойиб актёрлар гуруҳи ҳам катта ҳисса қўшгани шубҳасиздир.

Фестивалнинг асосий танлов дастури бўйича польшалик кинорежиссёр Анжей Жулавски раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳам якунларни эълон қилди. Москва кинофестивалининг бош соврини — «Святой Георгий» швециялик кинорежиссёр Осман Каримга насиб этди. Унинг «Сара ҳақида» фильми ёш аёл тўғрисида ҳикоя қилади. Ушбу кинотасманинг муваффақияти кўпчилик учун, жумладан, режиссёрнинг ўзи учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Угандада туғилган Осман Карим ҳозир Швецияда яшаб, меҳнат қилмоқда.

Энг яхши аёллар роли учун совринини «Ҳайдовчилик дарслари» фильмида бош ролни ижро этган инглиз актрисаси Жули Уотерс қўлга киритди. Ушбу фильм режиссёри Жереми Брок эса ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофотига сазовор бўлди. «Ҳаётни суғурталаш» номли немис кинокартинасида ўйнаган Йенс Харцер энг яхши актёр деб тан олинди.

Афсонавий Жерар Депардье эса иккита соврин олди. Улардан бирини режиссёр Бертран Блие номидан фестивалда иштирок этган «Сен қанчага баҳоланасан?» фильми учун қабул қилди. Депардьенинг ўзи эса кино санъатига қўшган ҳиссаси учун К. Станиславский номидаги «Верю» мукофоти билан тақдирланди.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Москва.

Ўз касбининг фидойиси

Мақсаджон Абдуллажонов узоқ йиллардан буён Фурқат туманидаги "Қўқон" ширкат хўжалигида меҳнат қилиб келади. Механизатор. У ҳар йили ўзи бошқарадиган "Енисей" комбайни билан ғалла ўрим-йиғимида пешқадамлик қилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Туман механизаторлари орасида ташкил этилган мусобақада ғолиб бўлган Мақсаджон қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СУРАТДА: механизатор Мақсаджон АБДУЛЛАЖОНОВ.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бу масалаларни ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари имзоланган бўлиб, 2002 йил 3 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 342-сонли «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг яққол далилидир. Бундан ташқари ушбу соҳага тегишли бир қанча қарор ва йўриқномалар стандартлаштириш, метрология, аккредитациялаш ва сертификатлаштириш меъёрларини тартибга солиб туради.

СИФАТ – МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ АСОСИ!

Бугунги кунда маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришда республикамизда фаолият юритаётган 50 дан ортиқ сертификатлаштириш идоралари ва 250 дан ортиқ синов лабораторияларининг аҳамияти муҳим бўлиб, «O'zbek-Turk Test Markazi» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Қўшма корхона Ўзбекистон Республикасининг «Ўзстандарт» агентлиги ва Туркия Жумҳуриятининг Турк стандартлари институти (ТСИ) ташаббуси ва ҳомийликлари асосида ташкил қилинган бўлиб, сертификатлаштириш идораси ва синов лабораторияларидан иборатдир. Синов лабораторияларимизда мавжуд 30 дан ортиқ лаборатория жиҳозлар Туркиядан келтирилган бўлиб, улар энг сўнгги технологиялар асосида ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган. Ушбу лаборатория жиҳозлари билан *текстиль ва оёк-кийим маҳсулотлари*ни Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари ҳамда ТСИ стандартларининг барча кўрсаткичлари бўйича синовлардан ўтказиш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари *электр, идиш-товоқ, ўйинчоқ маҳсулотлари*ни ҳам синовлардан ўтказиб, мувофиқлик сертификатини бериш ҳуқуқига эгамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида республикамизда ишлаб чиқарилаётган текстиль ва оёқ-кийим маҳсулотларининг фақат болалар оёқ-кийим маҳсулотлари мажбурий сертификатлаштириш объекти бўлиб ҳисобланса-да, республикамизда фаолият юритаётган аксарият тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини ҳаридоргир бўлишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида маҳсулотларига ихтиёрий равишда мувофиқлик сертификатини олмоқдалар. Бу мени фикримча, республикамиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг аниқ ва тўғрилигидан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватланаётганлигидан, улар ўртасида рақобат муҳити ошиб, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Эътиборлиси, амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли сўнгги йилларда барча саноат йўналишларига чет эл инвесторлари томонидан қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари ҳозирги кунда 200 дан ортиқни ташкил этади. Албатта, ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиб сотиш учун маълум шартлар мавжуддир. Шуларни кўзда тутиб ишлаб чиқарилаётган ҳамда кириб келаётган маҳсулотларни сертификатлаштиришда ўз ўрнимизга эга бўлиш, уни мустаҳкамлаш, тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, бир қанча масалаларни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Булар жумласига корхонамизнинг текстиль маҳсулотларини синаш лабораториясини ИСО МЭК 17025 халқаро стандарти талаблари бўйича ҳужжатларини тайёрлаб, халқаро майдонларда тан олинган ва дунёда ўз ўрнига эга бўлган аккредитлаш ташкилотлари томонидан аккредитациядан ўтишдир. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган текстиль маҳсулотларини бизнинг синов лабораториямиз томонидан берилган синов баённомалари билан таъминланганда, тўғридан-тўғри жаҳон бозорларига чиқариб сотиш учун имконият яратиб беради десам муболаға бўлмайди.

И. АБДУМУТАЛОВ,
«O'zbek-Turk Test Markazi» қўшма ширкати бош директори.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

«Ўзстандарт» агентлиги — «Turk Standardlari Institusu»

«O'zbek-Turk Test Markazi» қўшма ширкати бизнесингизга омад тилаган ҳолда, сизга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

1. Маҳсулотларингизни синаш ва сертификатлаштириш хизмати:
- паст қувватли электр хўжалик моллари, оргтехникалар, шиналар ва ҳ.к.;
- текстиль маҳсулотлари;
- оёқ кийим маҳсулотлари;
- идиш-товоқлар;
- ўйинчоқлар.
2. Меъёрий ҳужжатларни экспертиза қилиш.
3. Сифат тизимини жорий қилишда консалтинг хизматлари кўрсатиш.
4. Чет эл сертификатларини тан олиш (Туркия, МДҲ).
5. Европа нормалари ва ТСИ стандартлари билан таъминлаш.
6. Маҳсулотни сертификатлаштиришда агентлик хизматларини кўрсатиш.

Маҳсулотингизга қўйган талабимиз — бу стандарт талаби,
Талабга жавоб берадиган маҳсулот — бу замон талаби!

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, С.Мираҳмедов кўчаси, 208-уй.
Мўлжал: «Бродарлик қабристони» бекати. Телефонлар: 50-01-01, 50-01-02.
www.uttm.narod.ru
E-mail: uttm@sarkor.uz

Сиз билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз!

ДУНЁ ЯНАДА ЯҚИНРОҚ БЎЛИШИ УЧУН – UZDUNROBITA first cellular МТС ГА ҚЎШИЛМОҚДА



МТС-Ўзбекистон (Уздунробита) тармоғига компания офисида уланган ҳар бир янги абонентга совға тақдим этилади!

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Гонконгда (CSL) ва Иорданияда (Umniah) ишга туширилди.
- Халқаро GPRS-роуминг хизмати Гонконгда (CSL) ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган

WWW.MTS.UZ

Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида мамлакатимиз электротехника ва электроника соҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг ҒФРдаги элчихонаси томонидан «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ҳамда Германия электротехника ва электроника соҳаси бирлашмаси (ZVEI) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон электротехника соҳасининг тақдимоти

ZVEI 1400 дан зиёд корхонани бирлаштиради. Уларнинг 1100 дан ортиғи кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Тақдимот маросими Германия компанияларининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик манфаатларини мужассамлаштирувчи ZVEI бирлашмаси ишчи гуруҳининг йиллик мажлиси доирасида ўтказилди.

Германия компанияларининг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдираётгани табиий. Юртимиздаги мавжуд қулай сармоявий муҳит, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари, малакали кадрлар мавжудлиги электротехника соҳасидаги етакчи хорижий компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик юритиш учун яхши замин яратади.

Тақдимот давомида "Ўзэлтехсаноат" вакиллари республикамиздаги иқтисодий вазият, ўзлари фаолият юритаётган соҳадаги аҳвол, шу жумладан, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, сармояларни ҳимоялаш ҳамда ҳамкорлик имкониятлари тўғрисида ахборот бердилар. Хорижий сармоядорлар учун қатор корхоналар акциялари пакетларини харид қилиш тўғрисида аниқ таклифлар тақдим этилди.

Немис компаниялари вакилларининг фикрича, ўзбекистонлик шериклар билан бўлиб ўтган учрашув ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги мулоқотни давом эттиришда муҳим бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
"Жаҳон" АА мухбири,
Берлин

«Мактабга меҳмон келди...

Ҳар йили уюштирилиши анъана тусига кирган «Мактаблар куни» вилоят кўргазмали семинари бу йил Тайлоқ туманида бўлиб ўтди.

Унда республика Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими вилоят бошқармаси вакиллари ҳамда барча туманлардан таклиф этилган таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб беш гуруҳга бўлинган ҳолда тумандаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида бўлишиб, улардаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг ижроси ҳамда янги 2006-2007 ўқув йилига, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари билан танишдилар.

Тумандаги 20-мактабда ўтказилган йиғилишда Тайлоқ туман халқ таълими бўлимининг мудири Яздон Ҳамдамов амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Бошқа туманлардан келган гуруҳлар раҳбарлари мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги аҳвол ҳақидаги фикрлар билан ўртоқлашдилар.

Семинар сўнгида Тайлоқ туманининг бир гуруҳ тажрибали мураббийлари, ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга алоҳида ҳисса қўшган истеъдодли ва ижодкор ўқитувчиларга вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни...) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Қашқадарё вилояти божхона бошқармасининг янги маъмурий биносига локал компьютер тармоғини ва кабель тизимини ўрнатиш бўйича

ТЕНДЕР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тижорат таклифлари эълон чиққандан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади.

Техник топшириқ ва керакли маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Тошкент ш., 700083, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитаси.
Телефонлар: 120-76-00, ички: 28-60, 26-66.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

2007 йил учун Ўзбекистон Республикаси ва хорижда чоп этиладиган даврий нашрларга обуна бўлиш ва етказиб бериш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда Тошкент шаҳрида даврий нашрлар тарқатиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар 2006 йил 1 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй. Маълумот учун телефонлар: 120-76-00, қўшимча: 27-45, 21-74.

ДСҚ Матбуот хизмати хабар қилади

Номи бор, манзили йўқ

«Бухороқурилишсозловчи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Неъмат Назаров «Хуфия ишларим ошкор бўлмасин», деб жамиятнинг ҳақиқий манзилини яширган экан. Бухоро шаҳар солиқ хизмати ходимлари ўтказган текшириш пайтида жамият манзили сифатида кўрсатилган уй бошқа бир фуқарога тегишли бўлиб чиқди.

Бундан ташқари, жамият асосан аудио-видео кассеталар ҳамда қурилиш материаллари улгуржи савдоси билан шуғулланиши керак эди. Лекин корхона раҳбари пул дардида доч келган хизматни чала ярим бажариб, 4 ойда 600 миллион сўмлик товар айланмасини амалга оширди. Шундан 358 миллион сўмини банкка топширмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборди.

Ноқонуний ишлари учун Н. Назаров устидан жиноий иш қўзғатилди.

Эгри йўлдан келган моллар

Солиқ хизмати ходимлари баъзан ҳайрон бўлишарди. Кечагина ҳужжатсиз товарлардан тозаланган бозорларда эртаси куни яна худди шундай моллар пайдо бўлиб қоларди. Хўш, улар қаердан кириб келаяпти?

Ургут тумани солиқ хизмати ходимлари бу саволга жавоб топиш мақсадида «Жумабозор» блок постини масканида қисқа муддатли текшириш ўтказишди. Шу жараёнда тўхтатилган машиналардан бирида фуқаро Одина Маматова ҳеч қандай ҳужжатсиз, чет элда ишлаб чиқарилган 1 миллион 750 минг сўмлик, Зумрад Ҳалимова 633,7 минг сўмлик, Лобар Абдуллаева 600 минг сўмлик, Гулзода Хўжахонова 641,8 минг сўмлик кийим-кечакларни айланма йўллар билан олиб келаётганликлари маълум бўлди.

Ноқонуний товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиниб, суриштирув ишлари бошланди.

Ҳужжатсиз савдо

Оҳангарон шаҳри ҳудудида ўтказилган қисқа муддатли текширишда фуқаро И. Абдумансуров ҳеч қандай ҳужжатсиз ва лицензиясиз аудио-видео кассеталар, дисклар сотиш, нусха кўчириш, ижарага бериш, тарқатиш ишлари билан шуғулланиб келаётгани аниқланди.

Ундан 1 миллион 127 минг 700 сўмлик 16 турдаги товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинди ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳам ҳўрдадан, ҳам бурдадан

Қарши шаҳридаги «Ташриф» хусусий корхонаси раҳбари Дилшод Ҳамроевга нисбатан Жиноят кодексининг бирйўла учта моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширувда у устав фондини шакллантирмай 2003 йилда 767 миллион сўмлик, 2004-2005 йиллар давомида 657 миллион сўмлик улгуржи савдони амалга оширгани аниқланди. Бундан ташқари, 58,8 миллион сўмлик харидоргир маҳсулотлар учун пул ўтказилиб, уларни сотишдан тушган маблағ банкка топширилмаганлиги маълум бўлди.

Текшириш давомида корхонада солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузилаётганлиги ҳам тасдиғини топди. Корхонага нисбатан солиқ ва мажбурий тўловлардан 5 миллион 565 минг сўм қўшимча ҳисобланди.

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали

МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Болгариядан хушхабар

«МУСТАҲЗОД»ГА — ОЛИЙ МУКОФОТ

Яхши хабар тез тарқалади. Ёш эстрада хонандаси Диана Зиятдинованинг Болгарияда қўлга киритган ютуғи санъат мухлисларининг кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Ахир, ўзи бўладими! Европа ёшлари 18 йилдан буён Болгариянинг Добрич шаҳрида поп-рок танловида қатнашиб келадилар. Бу йилги "Сарандев-2006" поп-рок танловида Ўзбекистондан биринчи марта вакил қатнашди ва дебютнинг ўзидаёқ Гран-при соҳиби бўлди. Ҳа, Ўзбекистон давлат консерваториясининг IV курс талабаси Диана Зиятдинова танлов меҳмонларини ҳам, мезбонларини биринчи ҳам, чет эллик эстрада мухлисларини ҳам ҳайрон қолдирди ва ўзи ҳам кутилмаган ютуқ олдида ҳаяжондан лол қолди.

— Албатта, танловга жиддий тайёргарлик кўриб, яхши натижага умид қилиб боргандим, — дейди Диана бу ҳақда. — Лекин Гран-прини олишим ўзим учун кутилмаган воқеа бўлди. Рост-да, ўзбекистонликлар биринчи марта қатнашаётган бўлса, жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 60 та иштирокчи, Руминия, Исроил, Словения, Хорватия каби давлатларнинг таниқли санъат намояндаларидан иборат ҳайъат аъзолари... Очиғи, бу мен учун ниҳоятда катта ютуқ.

Тўғри, Диана учун танловларда қатнашиш янгилик эмас. Дастлаб Афина (Греция)да ўтган халқаро жаз мусиқаси фестивалида қатнашганди. Кейин республикамиз миқёсидаги "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Азиз она юртим наволари" танловларининг совриндори бўлди. Эстрада хонандаларининг "Море друзей — Ялта 2004" халқаро танлови лауреатлигини қўлга киритди, Киевда ўтган "Песня года" гала-концертида қатнашди. Шу каби танлов ва фестиваллар Диананинг эстрада хонандаси сифатида шаклланишида, ўз йўлини, услубини топишида катта аҳамият касб этди. Зеро, танловга тайёргарлик жараёнлари хонандани изланишга, машаққатлардан чўчимасликка ўргатди, репертуар танлаш маҳоратининг ўсишида, умуман, ижро малакасининг мукаммаллашишида муҳим роль ўйнади.

Хонанданинг ўзи Болгариядаги муваффақиятининг замирида устозлар меҳнати турганлигини фахрланиб сўзлади.

— Айниқса, вокал бўйича педагог, таниқли композитор Дилором Омонуллаева, продюсер Фарҳод Жўраевлар менга катта ёрдам беришди, — дейди Диана. — Уларнинг ижрочилик, репертуар борасидаги маслаҳатлари менга жуда асқотди. Шубҳасиз, Болгарияда ўтган танловда ҳам устозлари сабоқлари қўл келди. Консерваторияда устозлар билан ўтказган репетиция жараёнлари беиз кетмади. Ўзбек мумтоз қўшиқларидан бири — "Мустаҳзод" Дианага ғалаба келтирди.

Европа эстрада хонандалари танловида миллий мумтоз мусиқамиз барчани бирдек мафтун этди. Ҳақиқий миллий санъатимизни, соф ўзбекона оҳанглару наво-қочиримларимизни жаҳонга дадил олиб чиқишимиз ва дунё тингловчиларига баралла тақдим этишимиз мумкинлигини Диана исботлади.

Бугун дунёни тақлид билан, саёз ва олди-қочди матнлар, аралаш-қуралаш мусиқалар билан қойил қолдириб бўлмаслиги яна бир бор равшан бўлди. Ҳар қандай санъат каби, қўшиқчиликнинг таг-замини ҳам, у эстрада бўладими, мумтоз ёки замонавий ашула бўладими, миллий асосга қурилиши ютуқлар омили эканини Д. Зиятдинованинг Европадаги чиқиши аниқ-равшан кўрсатиб берди. Диана бу қўшиқ ҳақида ҳаяжонланиб сўзлайди:

— Чокар сўзи, Муҳаммаджон Мирзаев мусиқаси билан айтиладиган "Мустаҳзод" қўшиғининг европаликлар учун ноодатий дебочаси ҳамда миллий ўзига хос ижро йўлини ва хонанданинг овоз имкониятларини тўлиқ намоён этадиган хотимаси мутахассислар ва тингловчиларни ҳайратга солди. Бундай эътирофни уларнинг ўзидан эшитиш менга қувонч бағишлади. Шу ўринда қўшиққа замонавий руҳ бағишлаган оранжировкачи Шухрат Зокировнинг хизматини ҳам таъкидлашни истардим. Умуман, мен билан ҳамкорлик қилиб келаётган Алишер Расулов, Анор Назаров каби бастакорлардан, вокалда ёрдам берган Нодира Қобуловадан миннатдорман.

Миллий қўшиғимиз биринчи турда хонанданинг анчагина катта балл тўплашини таъминлади. Танлов якунидаги гала-концерт бунданда ажойиб ўтди. Хонанда болгариялик таниқли санъаткор Лили Иванова репертуаридан болгарча "Ёшлигимиз денгизи" қўшиғини айта бошлаши билан зал қарсаклар билан жўр бўлиб турди.

Қизиғи шундаки, гала-концертдан чиқибоқ Диана Варна шаҳрига йўл олди. Бу ерда ўтаётган танловда у айнан шу болгарча қўшиқни ижро этиб, яна бир муваффақиятга эришди. Хонандага болгар тилида ўша ерлик композиторнинг қўшиғини маромига етказиб ижро этгани ҳамда Болгария маданиятига қўшган ҳиссаси учун мукофот топширилди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Д.Зиятдинова жаҳоннинг ўн беш тилида қўшиқлар куйлайди. Шубҳасиз, улар орасида миллий эстрадамиз куй-қўшиқлари асосий ўринни эгаллайди. Ҳозир хонанданинг репертуарида ўттизга яқин турли мавзудаги ўзбекча қўшиқлар бор. Айниқса, она Ватанни, унинг меҳнаткаш кишиларини, севги-муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқларни хонанда ўзгача меҳр билан куйлайди. Жумладан, "Ватан" (М.Юсуф шеъри, А.Расулов мусиқаси), "Оллоҳ битта Ватан берган", (Садоий шеъри, А.Назаров мусиқаси), "Аввало бошингда битта Ватан бўлсин" (Усмон Бек шеъри, А.Расулов мусиқаси), "Ўзбекистон", "Тенг овозинг бор энди" (Б.Лутфуллаев мусиқалари) каби қўшиқлари аллақачон мухлислар қалбидан жой олган.

Бугун эстрадада ижод қилаётган аксарият хонандалардан Диананинг бир қатор фарқли жиҳатлари бор. У репертуар танлашда жуда талабчан. Аввало қўшиқ матни ва мусиқасини белгилашда тасодифийликдан қочади. Тезроқ машҳур бўлишга, ўткинчи "хит" қўшиқлар айтишга шошмайди. Ҳар бир нарсада профессионализмга суянади.

Фикримизнинг яна бир тасдиғи ўлароқ, Диананинг сўнгги йиллар репертуаридан мустаҳкам жой олган қўшиғидаги қуйидаги сатрларга эътибор қилинг:

Боболарим ларза солиб ўтган тупроқ,
Момоларим алла айтиб ёққан чироқ.
Жон не керак шу макондан айрилган чоқ,
Фидо бўлсин ширин жоним остонангга.

Хонанда шундай юрақдан айтилган, содда, аммо қалбларга ҳаяжон солувчи шеърий сатрлар саралай билгани ва ўзига муносиб оҳанг билан ижро эта олгани учун ҳам назарга тушаётган бўлса, не ажаб.

Диананинг ўзига тенгдош аксарият эстрадачилардан яна бир фарқи у ўз ташқи қиёфаси, кийиниши, саҳнада қандай ҳаракат қилишигача алоҳида эътибор беради. Замонавий тилда айтганда, ўз "имиджи" учун қаттиқ ҳаракат қилади. Ижро этаётган қўшиғи мазмунига барча унсурларнинг уйғунлашиши учун интилади. Ана шу мақсадга эришгани учун ҳам нуфузли танловларда эътироф топади, томошабинларни ўз мухлисига айлантириб, уларнинг олқишига сазовор бўлади.

— Хонанда қўшиқни барча дискотекаларни эгаллаш, тўйларда биринчи бўлиш, ҳали ҳақиқий санъатни тушуниб улгурмаган ёшлар тилига тушиш учун айтмаслиги керак, — дейди Диана. — Қўшиқчи ўзи тарбияланган услубда куйлаши ва ҳар бир ижроси ўзига хос чиқиши учун ҳаракат қилиши керак. Дунё саҳналарини орзу қилган одам мода кетидан қувиш эмас, аксинча ўз миллий оҳангларининг замонавий талқинлари ҳақида бош қотирса, муваффақиятга эришади деб ўйлайман. Бизнинг Халқаро танловдаги ютуғимизнинг асоси ана шу миллий эстрадамиз билан иштирок этганимиз бўлди. Ҳакамлар ҳам, томошабин ҳам ҳамиша янгилик, оригиналлик истайди. Бизнинг ўз қўшиқларимиз янгилик, миллий санъатимиз, жумладан миллий эстрадамиз хорижликлар учун ҳайрат уйғотиши мумкин бўлган янгиликдир.

Аслида ҳам ҳақиқий хонанда — санъаткор бўламан, деб ижод йўлига кирган одам узоқни кўзлаб иш тутиши, машаққатлардан чўчимай, барҳаёт асарлар яратиш устида изланиши керак. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, эстрада санъатимиз билан жаҳон саҳналарини забт этишга чоғланган эканмиз, бу йўлда асосий мезон миллий қўшиқчилик анъаналаримиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Бугун жаҳоннинг ўзида турли рок, реп, поп ва ҳоказолар тўлиб ётибди. Шунинг учун ҳам биз жаҳонга мавжуд йўналишларнинг саёз талқинларини тақдим этгандан кўра, миллийлик билан йўғрилган ҳақиқий ўзбек миллий эстрадасини намойиш қилганимиз маъқул. Шу ўринда Д.Зиятдинованинг продюсери Фарҳод Жўраевнинг фикрларини келтириш ўринли:

— Тўғриси, Диана Болгарияда эришган ютуғининг моҳиятини ҳали ўзи ҳам тўлиқ ҳис қилаётгани йўқ. Аввало, эстрада йўналишида илк бор яккахон хонандамиз халқаро танловнинг Гран-присини қўлга киритди. Қолаверса, "Мустаҳзод"ни айтиб, жаҳонни ҳайратга солиш бу ўзбек миллий маданиятининг, санъатининг халқаро эътирофи, кўҳна анъаналаримизнинг галдаги ғалабасидир.

Совриндор хонанда Болгариядан қайтибоқ яна машқ қилишга киришиб кетди. Шу билан бирга, янги қўшиқлар ва мазмундор клиплар яратиш устида ҳам жиддий изланяпти. Олдинда эса уни янги танлов ва фестиваллар, мухлислар билан учрашувлар кутиб турибди.

Гулчеҳра УМАРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРИАТ:

I. Фикх, иқтисод ва табиий фанлар факультети:
- ҳуқуқшунослик (ислом ҳуқуқи) (ўзбек ва рус гуруҳлари);
- жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ўзбек гуруҳи);
- информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари (ўзбек гуруҳи).

II. Ислом тарихи ва фалсафаси факультети:
- диншунослик йўналиши (ўзбек ва рус гуруҳлари).



МАГИСТРАТУРА:
- диншунослик;
- исломшунослик;
- ислом ҳуқуқи;
- хорижий мамлакатлар иқтисодиёти йўналишлари.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссиялари томонидан 2006 йилнинг 20 июлига қадар, магистратурага 31 июлгача қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 144-00-56, 144-00-91,144-94-71.

Қабул ҳайъатига топшириладиган ҳужжатлар:
- университет ректори номига ариза;
- ўрта маълумоти ҳақида етуклик аттестати ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3х4 см. ҳажмдаги олти дона фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат (шахсан кўрсатилади).

Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.
Талабаликка танлов асосида қабул қилиш абитуриентнинг тест синовларида тўпланган балларига асосан ҳал қилинади.

Омад ёр бўлсин!

292591/1162

ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида 16 ёшгача бўлган юз йигирма нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасида байдаркада эшкак эшиш беллашувларида Республика олимпия захиралари коллежи вакиласи Олеся Кудрина 200, 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган беллашувларда маррага биринчи бўлиб келди.

Ўсмирлар ўртасида ҳам мазкур колледж талабаси Алексей Мачалов 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган бахс ғолиби бўлди.

Каноэда эшкак эшиш бўйича олтин медаллар Чирчиқ олимпия захиралари коллежи шарафини ҳимоя қилган Элдўст Абдуллаев ҳамда "МҲСК" жамоаси вакили Филипп Морозовга насиб этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

MANESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Организация продает по перечислению
«Экскаватор — ЭО-2621(РАЧОК), новый.
Изготовитель — ЮМЗ-6 (Украина).
Тел. (998-71) 388-02-54.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Электроника ва автоматика факультети декани, т.ф.д., проф. Нурилло Зикриллаевга падари бузруквори
ФАТХУЛЛО отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси ҳуқуқий ишлар ва кадрлар бўлими бошлиғи Шербўта Сирлиевга акаси
ЭРБЎТАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456